

Миллий Нейропсихолингвистик Ташхислаш Методикасини Яратиш Зарурияти Хусусида

Зухро Акмалжоновна Акбарова¹, Зилола Махмудовна Собирова²,

Аннотация: Мақола нутқни идрок этиш бузилишлари билан боғлиқ муаммолар – афазия, аутизм, дислексия, дисграфия каби психо-физиологик ҳолатларнинг пайдо бўлишини олдини олиш, ўқиш ва ёзиш билан боғлиқ муаммоларни эрта бартараф этишга амалий ёрдам берадиган нейропсихолингвистик ташхислаш методикасини яратишга бағишиланган.

Калит сўзлар: Нейролингвистика, афазия, дислексия, дисграфия, лингвистик тестлар, аутизм, психо-физиологик ҳолатлар.

Нейролингвистика тил соҳаси сифатида тил ва нутқий кўнинка ҳамда малакаларни ўзлаштириш, тил ва нутқдан фойдаланиш жараёнини ўрганарап экан, бу жараёнда мияда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва бузилишларни чуқурроқ ўрганишга киришган тадқиқотчилар соҳа олдидағи вазифалар кўлами назарда тутилганидан кўра кенгроқ эканлиги аниқладилар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тилшунослик ва тиббиёт чорраҳасида мия ва тил ўртасидаги алоқани ўрганиш нейролингвистик илмий тадқиқот марказларида олиб борилади. Бу марказларда олиб борилган кузатишлар болаларнинг ўсиш жараённида уларнинг ақлий ривожланишини миянинг умумий фаолияти билан боғлашни назарда тутади. Шунингдек, нейролингвистика – тил ва мия қандай боғланганлигини тадқиқ этиш учун неврология усулларидан ва лингвистик тестлардан фойдаланган ҳолда ташхислаш асосида турли хил мия патологияларида тилни қайта ишлаш хусусиятлари, мия шикастланиши натижасида шаклланган нутқнинг бузилиши – афазия, болаларда кузатиладиган дислексия, дисграфия сингари ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар ва умумий когнитив жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганади.

Нутқ патологияси, дислексия (ўқиш жараёнининг қисман ўзгачароқ тарзда бузилиш ҳолатлари), дисграфия (ёзув жараённинг психофизиологик қурилиши билан боғлиқ бузилиш ҳолатлари) каби кичик ёшдаги болалар ўқиш ва ўрганишидаги муаммолар шу кунга қадар республикамиизда алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ваҳоланки, бошланғич синф ёшидаги болаларнинг ўшига нисбатан когнитив ривожланишдан ортда қолиш ҳолатлари кўплаб учраб турганлиги боис юқоридаги муаммолар нейролингвистиканинг дикқат марказида турибди.

Бутун дунёда, хусусан, Европада ҳам нейролингвистик тадқиқотларни ривожлантириш ва такомиллаштириш, болаларнинг ҳиссий, ақлий ва нутқий ривожланишини қўллаб-куватлашга доир турли дастурлар ҳукумат ва халқаро иттифоқлар миқёсида ишлаб чиқилмоқда.

Умуман, сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигига нейролингвистик тадқиқотлар олиб бориш бўйича амалга оширилаётган ишлар жуда кўп бўлмаса-да, “Ўзбекистонда инклузив таълим” лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг тажриба ўтказилган турли мактабларга қабул қилинган болалар ўқишини давом эттирган, лекин уларга ўқиш жараённида қўшимча қўмак берилмаганлиги натижасида болаларда ҳиссий, ақлий ва нутқий ривожланишдаги нотекислик давом этганлиги кузатилган. Бу каби воқелик бизга нейро ранг-баранглик давомли кузатишларга муҳтоҷ эканлигини кўрсатади.

¹ филология фанлари доктори, доцент

² Фалсафа фанлари кандидати, доцент Фаргона давлат университети Фаргона шаҳар, Б.Маргиноний, 105



Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикр юритиш, креатив фикрлаш ва коммуникатив компитентликни ҳосил қилишнинг асосий омилларидан бири таълим жараёнидаги маълумотларни тўлиқ ўзлаштириш, ўқиш ва ёзиш жараённида дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш, атрофдагилар билан мулоқотни осонлаштириш, болаларда турли хил комплекслар пайдо бўлишининг олдини олиш учун эрта ташхислаш жараёнини шакллантириш зарурияти мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистонда замонавий шахснинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган нутқнинг тўлиқ ривожланганлиги, ўқиш ва ёзиш қўникмаларининг тўғри шаклланганлигини клиник амалиётларсиз лингвистик тестлар ёрдамида ташхислаш амалиёти мавжуд эмас. Мавжуд нейролингвистик йўналишдаги тадқиқотларнинг аксарияти монографик йўналишда олиб борилмаган, айрим мақолалар билангина чекланилган. Бу типдаги тадқиқотлар айнан кичик ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларида учраши мумкин бўлган афазия, дислексия, дисграфия каби психофизиологик ҳолатлар статистикаси тўлиқ шакллантирилмаган.

Ўзбекистонда илк бор нутқни идрок этиш бузилишлари билан боғлиқ муаммолар – афазия, аутизм, дислексия, дисграфия каби психо-физиологик ҳолатларнинг пайдо бўлишини олиш учун, ўқиш ва ёзиш билан боғлиқ муаммоларни эрта бартараф этишга амалий ёрдам берадиган нейропсихолингвистик ташхислаш методикасини яратиш учун катта эҳтиёж мавжуд.

Нутқида нуқсони бор болаларни аниқлаш, ўқиш ва ёзишда тилни идрок этишда ўзига хос муаммоси бор, атрофдагилар билан мулоқот компитентлиги шаклланмаган турли ёшдаги болаларда нутқий комплекслар пайдо бўлишининг олдини олиш учун нейролингвистик тадқиқотларга зарурият туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармонида амалий филологияни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 октябрдаги «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1383-сон қарорида Ўзбекистонда инклузив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш вазифаси белгиланган. Бошланғич синфда таълим олувчи ўқувчиларда нуқсонсиз нутқий компитенцияни шакллантириш, ўқиш ва ёзиш қўникмаларини ўзлаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун “Нейропсихолингвистик ташхислаш амалиёти” методикаси яратилса, юқоридаги вазифалар ҳал этилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг аксариятида афазия, дислексия, дисграфия каби психофизиологик ҳолатлар учрайди. Нутқида нуқсони бор, ўқиш ва ёзишда муаммога дуч келаётган болалар учун маҳсус дастурлар – лингвистик тестлар ишлаб чиқилиши, улар воситасида барча фанларни максимал даражада ўзлаштиришга ёрдам бериш зарур.

Нейролингвистик тадқиқотлар бир неча жиҳати билан замонавий бошқа тилшунослик йўналишларидан фарқ қиласди. Кўп жиҳатдан амалий аҳамиятга эга эканлиги, ўзбек тилшунослигига назарий асослари ишлаб чиқилмаганлиги, замонавий нейролингвистик ташхислаш методикасининг яратилмаганлиги, лойиҳа доирасида олиб бориладиган кузатишлар ҳамда тадқиқот натижаларига талаб ва эҳтиёжнинг кўплиги билан долзарб ҳисобланади.

Бундан ташқари, нейролингвистик жараёнларни кузатиш доирасида турли ёшдаги болаларга хос бўлган анормал ҳолатлар, билан боғлиқ маълумотлар статистикасини шакллантириш талаб этилади. Ўзбекистонда илк бор нутқни идрок этиш бузилишлари билан боғлиқ муаммолар – афазия, аутизм, дислексия, дисграфия каби психо-физиологик ҳолатларни пайдо бўлишини олдини олиш учун, ўқиш ва ёзиш билан боғлиқ муаммоларни эрта бартараф этишга амалий ёрдам берадиган миллий нейропсихолингвистик ташхислаш методикаси яратиш вазифаси бугунги ўзбек фани олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.



Ўтган йиллар давомида республикамизда мактабгача ва бошланғич таълим ёшидаги болаларда нутқни идрок этиш бузилишлари билан боғлиқ муаммолар – афазия, аутизм, дислексия, дисграфия каби психо-физиологик ҳолатлардан азият чекиб келмоқдалар. Бугунга қадар Ўзбекистонда бу каби психо-физиологик ҳолатларни эрта ташхислаш амалиёти ва уни бартараф этиш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар, методик ишланмалар амалга оширилмаган. Юқорида қайд этилган нутқни идрок этиш бузилишлари билан боғлиқ ҳолатлар илмий жамоатчилигимиз орасида лингвистик ва методик жиҳатдан етарли тадқиқ этилмаган. Яратилажак кенг қамровли нейропсихолингвистик ташхис методикаси соҳада ана шу каби бўшлиқларни тўлдиришни назарда тутади.

Адабиётлар рўйхати:

1. А.Р.Лурия. Основы проблемы нейролингвистики. М.: 2009
2. Цветкова Л.С. Нейропсихология счета, письма и чтения: нарушение и восстановление. - М.: «Юрист», 1997.
3. Akbarova Z. A.Tasks for Introducing Children of Preschool Age to Fiction and Teaching Them to Speak Fiction through Fiction. International Interdisciplinary Research Journal.2023
4. Akbarova Z. A. “INSON” TUSHUNCHASI MAZMUNINING LISONIY TAHLILI. FarDU ILMIY XABARLAR.2023
5. Akbarova Z. A. Teaching to Express Subjective Assessment of Pedagogical Psychological Characteristics of Preschool Children. Texas Journal of Philology, Culture and History.2023
6. Собирова З.М. Социолингвистика и анализ языковой вариативности. INDIA INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY.2023.
7. Собирова З. М., Раджабова Ш. Г. Термин «Культура речи» и сравнительный анализ его понятий. Intellectual education technological solutions and innovative digital tools.2023

